



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

2020 yil « 19 » март

№ 172

Toshkent sh.

Агросаноат мажмуи учун захира кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тошкент давлат аграр университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 19 августдаги ПҚ-4421-сон қарори ижросини таъминлаш ҳамда агросаноат мажмуи учун раҳбар ва мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг самарали тизимини яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Тошкент давлат аграр университети ҳузурида давлат муассасаси шаклидаги “Агробизнес ва бошқарув” йўналиши бўйича агросаноат мажмуи учун раҳбар ва мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказини (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

агросаноат мажмуида замонавий техника ва технологиялар, шу жумладан, “ақлли қишлоқ хўжалиги”, рақамли инновацион технологиялар ва ахборот тизимларини кўллаш орқали ўз фаолиятини самарали ташкил эта оладиган раҳбар ва мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш;

агросаноат мажмуи раҳбар ва мутахассис кадрларининг эгаллаган билимларини касбий фаолиятларида самарали қўллай олишга, аграр соҳада олиб борилаётган кенг қамровли чора-тадбирларнинг самарадорлигини оширишга, қишлоқ хўжалиги тармокларидаги мавжуд долзарб муаммоларни ҳал этишга қаратилган таълим жараёнини ташкил этиш;

хорижий давлатлар экспертлари ҳамда замонавий технологияларни жорий этиш бўйича илғор тажрибага эга бўлган тадбиркорлик субъектлари мутахассисларини жалб этган ҳолда агросаноат мажмуи раҳбар ва мутахассис кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш учун даврий равища ўқув-амалий семинарларни ташкил этиш;

“Агробизнес ва бошқарув” йўналиши бўйича агросаноат мажмуи учун раҳбар ва мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари воситалари асосида юқори ташкилий ва касбий даражада ташкил этиш учун зарур ўқув-услубий ва моддий-техник базани яратиш;

агросаноат мажмуи тизимидағи ташкилотлар, шу жумладан, агрокластерлар ва хусусий корхоналар билан ҳамкорликда бошқарув кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш учун малакавий амалиёт ва стажировкаларни ташкил этиш;

таълим жараёнини замонавий усулларда сифатли ташкил этиш ва унинг натижалари бўйича тизимли таҳлил ва мониторинг юритиш, шунингдек, раҳбарлик лавозимларида ишлаш учун кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни талаб этиладиган даражада таъминлаш мақсадида доимий равишда касбий кўнкимга ва лаёқатнинг ривожланиш динамикасини баҳолаб бориш.

3. Қуйидагилар:

“Агробизнес ва бошқарув” йўналиши бўйича агросаноат мажмуи учун раҳбар ва мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қўйиладиган давлат талаблари 1-иловага мувофиқ;

“Агробизнес ва бошқарув” йўналиши бўйича агросаноат мажмуи учун раҳбар ва мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларига қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

“Агробизнес ва бошқарув” йўналиши бўйича агросаноат мажмуи учун раҳбар ва мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларига номзодларни тавсия этиш бўйича вазирлик ва идоралар рўйхати 3-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

4. Белгилансинки, “Агробизнес ва бошқарув” йўналиши бўйича агросаноат мажмуи учун раҳбар ва мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларига қабул квоталари мазкур қарорнинг 3-иловаси билан тасдиқланган рўйхатдаги вазирлик ва идораларнинг таклифлари асосида шакллантирилди ва Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқланади.

5. Қуйидагилар Марказ фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар;

хўжалик фаолиятидан ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

давлат илмий-техник дастурлари доирасида бажарилаётган лойиҳалар маблағлари;

халқаро молия институтларининг грантлари;
қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

6. Белгилаб қўйилсинки, Марказнинг бино ва иншоотларини реконструкция қилиш, асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ва ахборот-коммуникациялар технологиялари воситалари билан таъминлаш Марказ фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳисобидан амалга оширилади.

7. Тошкент давлат аграр университети Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда:

бир ой муддатда Марказ устави ва ташкилий тузилмасини;

2020 йил 1 июнга қадар агросаноат мажмуи учун захира кадрларни тайёрлаш бўйича “Агробизнес ва бошқарув” ўйналишининг ўқув режалари ва дастурлари ишлаб чиқилишини ва белгиланган тартибда тасдиқланишини;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари тингловчилари учун кўргазмали машғулотлар ўtkазиш мақсадида икки ой муддатда илғор қишлоқ хўжалиги корхоналари, агрофирмалар, агрокластерлар ва қайта ишлаш корхоналари билан ҳамкорлик шартномалари тузилишини таъминласин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ў.И. Барноев ва Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “19” мартдаги 172 - сон қарорига
1-илова

**“Агробизнес ва бошқарув” йўналиши бўйича агросаноат мажмуи учун
раҳбар ва мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг
малакасини оширишга қўйиладиган
давлат талаблари**

1-боб. Умумий қоидалар

1. “Агробизнес ва бошқарув” йўналиши бўйича агросаноат мажмуи учун раҳбар ва мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қўйиладиган давлат талаблари (кейинги ўринларда Давлат талаблари деб аталади) Тошкент давлат аграр университети хузуридаги “Агробизнес ва бошқарув” йўналиши бўйича агросаноат мажмуи учун раҳбар ва мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказида (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) агросаноат мажмуи учун раҳбар ва мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қўйиладиган давлат талабларини белгилайди.

2. Мазкур Давлат талабларида куйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ўқув жараёни – буюртмачининг аниқ йўналтирилган дастурлари асосида тегишли вазирлик ва идоралар билан келишган ҳолда ўқув режалари ва дастурлари асосида ўқув жараёни ташкил этилиб, ўқув жараёнига замонавий билим ва малакага эга бўлган профессор-ўқитувчилар, амалиётчи мутахассислар жалб этилади ҳамда ўқитишнинг интерактив усуллари, интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланган ҳолда, раҳбар ва мутахассис кадрларда танқидий ва ижодий тафаккурни рағбатлантиришга, мустақил маълумот олишга йўналтирилган ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилади;

агросаноат мажмуи учун раҳбар ва мутахассис кадрларни қайta тайёрлаш – халқаро тажрибалар, стандартлар ва талаблар асосида ишлаб чиқилган таълим дастурларига мувофиқ агросаноат мажмуининг раҳбар ва мутахассис кадрларида замонавий билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш курси;

агросаноат мажмуи учун раҳбар ва мутахассис кадрларни қайta малакасини ошириш – халқаро тажрибалар, стандартлар ва талаблар асосида ишлаб чиқилган таълим дастурларига мувофиқ, агросаноат мажмуи раҳбар ва мутахассис кадрларининг малака ва кўникмаларини мунтазам равиша янгилаб бориш орқали касбий маҳоратининг ўсишини таъминлашдан иборат ўқув курси;

тажриба орттириш – “Агробизнес ва бошқарув” йўналиши бўйича агросаноат мажмуи учун раҳбар ва мутахассис кадрларнинг тажрибасини ошириш таълимнинг илм-фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциялашуви,

таълим турлари бўйича ҳамда раҳбарлик малакаси ва кўникмасини амалий жиҳатдан узлуксиз такомиллаштириб боришни таъминлаш, агросаноат мажмуининг раҳбар ва мутахассис кадрларини соҳадаги янги ютуқлар билан танишириш мақсадида аниқ йўналишлар бўйича касбий таълим дастурларини ўзлаштиришдан иборат.

3. Давлат талаблари “Агробизнес ва бошқарув” йўналиши бўйича агросаноат мажмуи учун раҳбар ва мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишда ўқув режалари ва дастурларини, шунингдек, ўқув жараёнини, таълим сифатини назорат қилиш ва баҳолашни, уларни аттестациядан ўтказиши тартибга соладиган хужжатларни ишлаб чиқиши учун асос ҳисобланади.

4. Куйидаги хужжатлар Давлат талаблари асосида тегишли буюртмачилар билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилади ва Тошкент давлат аграр университети ректори томонидан тасдиқланади:

мутахассисликлар бўйича ўқув режаси ва ўқув режасидаги фанлар бўйича ўқув дастурлари;

умумий ва мавзули малака ошириш курсларининг ўқув дастурлари.

5. Давлат талаблари “Агробизнес ва бошқарув” йўналиши бўйича агросаноат мажмуи учун раҳбар ва мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш соҳасида Марказнинг таълим фаолиятини ташкилий, ўқув-методик таъминлаш учун қўлланилади ҳамда агросаноат мажмуи учун раҳбар ва мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг:

асосий турлари ва шаклларини;

мазмунни ва сифатига қўйиладиган асосий талабларни;

ўқув юкламаси ҳажмини;

таълим сифатини назорат қилиш, баҳолаш тартиби ҳамда амалга ошириш механизмларини белгилайди.

6. Агробизнес ва бошқарув” йўналиши бўйича агросаноат мажмуи учун раҳбар ва мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларига қабул қилиш ва ўқув жараёни тўғрисидаги маълумотлар Марказнинг расмий веб-сайтида ўқув курслари бошланишидан камида икки ой олдин жойлаштирилади.

2-боб. “Агробизнес ва бошқарув” йўналиши бўйича агросаноат мажмуи учун раҳбар ва мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларини ташкил этиш

7. Марказ “Агробизнес ва бошқарув” йўналиши бўйича агросаноат мажмуи учун раҳбар ва мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича:

буюртмачининг аниқ йўналтирилган дастурлари асосида тегишли вазирлик ва идоралар билан келишган ҳолда ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқади;

ўқув жараёнини ташкил этади;

ўқув жараёнига замонавий билим ва малакага эга бўлган профессор-ўқитувчиларни, амалиётчи мутахассисларни жалб этади;

ўқитишнинг интерактив усулларини, Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланган ҳолда, агросаноат мажмуи раҳбар ва мутахассис кадрларининг танқидий ва ижодий тафаккурини рағбатлантиришга, мустақил маълумот олишга йўналтирилган ахборот-коммуникация технологияларини жорий этади;

тингловчилар ўртасида анкета-сўровномаларни муентазам ўтказиб боради, шунингдек, ўқув жараёнига янги педагогик технологияларнинг жорий этилиши юзасидан мониторинг олиб боради;

ўқув-услубий асосларни кафедралар ва тегишли мутахассислар билан биргаликда ишлаб чиқади;

жорий этилган хорижий тажриба ва илғор ютуқлар тўғрисидаги маълумотларни ўқув дастурларига киритади;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари аудитория машғулотларининг барча турлари 80 дақиқа давом этади, ўқув машғулотлари оралиғидаги танаффус камида 10 дақиқани ташкил этади.

8. Қайта тайёрлаш ўқув курсларида ўқиши касбий фаолиятдан ажralган ҳолда, малака ошириш ўқув курсларида эса ажralган ёки ажralмаган ҳолда, шунингдек, масофавий таълим технологияларидан фойдаланиш асосида амалга оширилиши мумкин.

9. “Агробизнес ва бошқарув” йўналиши бўйича агросаноат мажмуи учун раҳбар ва мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларига тингловчилар “Агробизнес ва бошқарув” йўналиши бўйича агросаноат мажмуи учун раҳбар ва мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларига қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом асосида қабул қилинади.

3-боб. “Агробизнес ва бошқарув” йўналиши бўйича агросаноат мажмуи учун раҳбар ва мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш

10. “Агробизнес ва бошқарув” йўналиши бўйича агросаноат мажмуи учун раҳбар ва мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш халқаро тажрибалар, стандартлар ва талаблар асосида ишлаб чиқилган таълим дастурларига мувофиқ агросаноат мажмуининг раҳбар ва мутахассис кадрларида замонавий билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришдан иборат.

11. Агросаноат мажмуи учун раҳбар ва мутахассис кадрлар асосий ишидан ажralган ҳолда қайта тайёрланади.

12. Агросаноат мажмуи учун раҳбар ва мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш курсининг ўқув юкламаси тегишли буюртмачилар билан келишилган ҳолда, Марказ директори томонидан тасдиқланадиган қайта тайёрлашнинг ўқув режаси асосида белгиланади.

13. Агросаноат мажмуи учун раҳбар ва мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш курсларида ўқитиш давомийлиги тўрт ойни ташкил этади, ўкув юкламасининг энг кўп ҳажми ҳафтасига 36 соат этиб белгиланади.

Қайта тайёрлаш курсларида умумий ўқиш вақти ҳажми:

аудитория машғулотлари (маъруза, семинар) – 12 ҳафта (432 соат);

иш ўрганиш амалиёти ва амалиёт синови – 2 ҳафта (72 соат);

битириув малакавий ишини тайёрлаш – 1 ҳафта (36 соат);

битириув малакавий иши ҳимояси ва якуний имтиҳон – 1 ҳафта (36 соат) этиб белгиланади.

14. Агросаноат мажмуи учун раҳбар ва мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш курсини тўлиқ ўзлаштирган тингловчилар якуний аттестацияга киритилади.

15. Агросаноат мажмуи учун раҳбар ва мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш курсини ўзлаштирган ва якуний аттестациядан муваффақиятли ўтган тингловчиларга мазкур Давлат талабларига 1-иловада келтирилган намунадаги диплом берилади.

16. Агросаноат мажмуи учун раҳбар ва мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш иккинчи олий таълим ҳисобланмайди.

4-боб. “Агробизнес ва бошқарув” йўналиши бўйича агросаноат мажмуи учун раҳбар ва мутахассис кадрларнинг малакасини ошириш

17. “Агробизнес ва бошқарув” йўналиши бўйича агросаноат мажмуи учун раҳбар ва мутахассис кадрларнинг малакасини ошириш ўкув режаси ва дастурларидан келиб чиқсан ҳолда, агросаноат мажмуи раҳбар ва мутахассис кадрларининг малака ва кўникмаларини мунтазам равишда янгилаб бориш орқали касбий маҳоратининг ўсишини таъминлашдан иборат.

18. Агросаноат мажмуи учун раҳбар ва мутахассис кадрларнинг малакасини ошириш ишдан ажralган ҳолда, ўкув жараёни давомийлиги тўрт ҳафтани ташкил этади.

аудитория машғулотлари (маъруза, семинар) – 3 ҳафта (96 соат);

иш ўрганиш амалиёти – 1 ҳафта (36 соат);

якуний имтиҳон – 2 кун (12 соат) этиб белгиланади.

19. Агросаноат мажмуи учун раҳбар ва мутахассис кадрларнинг малакасини ошириш курсининг малака ошириш муддатлари, ўкув режаси ва дастурлари буюртмачи билан келишилган ҳолда, Марказ директори томонидан тасдиқланади.

20. Агросаноат мажмуи учун раҳбар ва мутахассис кадрларнинг малакасини ошириш курсининг ўкув юкламаси буюртмачи билан келишилган ҳолда, Марказ директори томонидан тасдиқланадиган ўкув режаси асосида белгиланади.

21. Агросаноат мажмуи учун раҳбар ва мутахассис кадрларнинг малакасини ошириш буюртмачи билан келишилган дастур бўйича амалга оширилади ва куйидаги мақсадларни назарда тутади:

агросаноат мажмуининг раҳбар ва мутахассис кадрларини аниқ мавзу бўйича касбий билим ва кўникмаларни чукурлаштириш;

агросаноат мажмуининг раҳбар ва мутахассис кадрларида ривожланган хорижий давлатларнинг соҳадаги ютуқлари ва юзага келган муаммоларни тезкор бартараф этиш доирасида қўллаётган инновацион усулларнинг мазмун-моҳиятини англаш кўникмасини шакллантириш.

22. Агросаноат мажмуи учун раҳбар ва мутахассис кадрларнинг малакасини ошириш курсидан муваффақиятли ўтган тингловчиларга Давлат талабларига 2-иловада келтирилган намунасадаги сертификат берилади.

5-боб. “Агробизнес ва бошқарув” йўналиши бўйича агросаноат мажмуи учун раҳбар ва мутахассис кадрларнинг тажрибасини ошириш

23. “Агробизнес ва бошқарув” йўналиши бўйича агросаноат мажмуи учун раҳбар ва мутахассис кадрларнинг тажрибасини ошириш таълимнинг илм-фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциялашуви, таълим турлари бўйича ҳамда раҳбарлик малакаси ва кўникмасини амалий жиҳатдан узлуксиз такомиллаштириб боришни таъминлаш, агросаноат мажмуининг раҳбар ва мутахассис кадрларини соҳадаги янги ютуқлар билан таништириш мақсадида аниқ йўналишлар бўйича касбий таълим дастурларини ўзлаштиришдан иборат.

24. Агросаноат мажмуи учун раҳбар ва мутахассис кадрларнинг тажрибасини ошириш тингловчиларнинг давлат ва нодавлат ташкилотларида назарий ва амалий билимлари, малака ҳамда кўникмаларини чукурлаштиришга қаратилган.

25. Агросаноат мажмуи учун раҳбар ва мутахассис кадрларнинг тажрибасини оширишни ташкил этиш билан боғлиқ бўлган хужжатлар Марказ томонидан тасдиқланади.

26. Агросаноат мажмуи учун раҳбар ва мутахассис кадрларнинг тажрибасини ошириш Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, йирик қишлоқ хўжалиги бирлашмалари ҳамда бошқа манфаатдор буюртмачи ташкилотлар билан келишилган ҳолда, хорижий давлатларнинг таълим муассасаларида ҳамда ихтисослашган бошқа муассасаларда ташкил этилиши мумкин.

6-боб. “Агробизнес ва бошқарув” йўналиши бўйича агросаноат мажмуи учун раҳбар ва мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларининг мазмуни ва сифатига қўйиладиган умумий талаблар

27. “Агробизнес ва бошқарув” йўналиши бўйича агросаноат мажмуи учун раҳбар ва мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларининг мазмуни ва сифатига қўйиладиган умумий талаблар соҳадаги янги билим ва кўникмаларни ўзлаштириш ҳамда чукурлаштиришга бўлган эҳтиёж даражасини, ҳажми ва мазмунини қамраб олади.

28. Агросаноат мажмуи учун раҳбар ва мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш янги билим ва кўникмаларни ўзлаштиришга, малака ошириш эса касбий билим ва кўникмаларни чуқурлаштиришга йўналтирилади.

29. Агросаноат мажмуи учун раҳбар ва мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларининг сифати тингловчиларнинг билими ва амалий маҳорати Давлат талабларига мувофиқлиги билан белгиланади.

30. Агросаноат мажмуи учун раҳбар ва мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш курслари ўқув режаларига мувофиқ белгиланган фанлардан давлат имтиҳонларини топшириш ва битирув малака ишини ҳимоя қилиш билан якунланади.

Агросаноат мажмуи учун раҳбар ва мутахассис кадрларнинг малакасини ошириш курслари ўқув режаларига мувофиқ белгиланган фанлардан якуний назорат топшириш билан якунланади.

7-боб. Таълим сифатини назорат қилиш ва баҳолаш

31. Агросаноат мажмуи учун раҳбар ва мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш сифатини назорат қилиш қуидагиларни ўз ичига олади:

Марказ томонидан тасдиқланган иш режаси асосида ўқув жараёни даврида амалга ошириладиган ички назорат;

Агросаноат мажмуи учун раҳбар ва мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тингловчиларининг фанлар бўйича битирув малака иши ҳимояси ва аттестацияси бўйича якуний назорат;

ваколатли давлат органи, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда буюртмачилар томонидан амалга ошириладиган жамоатчилик назорати;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ҳамда буюртмачилар томонидан амалга ошириладиган ташқи назорат.

8-боб. Якунловчи қоидалар

32. Мазкур талабларни бузганликда айбдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Агросаноат мажмуи учун мутахассис ва раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга қўйиладиган давлат талабларига
1-илова

Тошкент давлат аграр университети хузурида “Агробизнес ва бошқарув” йўналишида агросаноат мажмуаси мутахассис ва раҳбар кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Марказида Раҳбар ва мутахассис кадрларнинг қайта тайёрлаш курсларини якуилагани ҳакида диплом тавсифи

ДИПЛОМ

Тошкент давлат аграр университети хузурида “Агробизнес ва бошқарув” йўналишида агросаноат мажмуаси мутахассис ва раҳбар кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Марказининг қайта тайёрлаш курсларини якуилагани түғрисидаги диплом А4 форматли оқ когозда оғсет усулида беш хил рангдан фойдаланган холда: матн учун — кора рангла, расмлар тасвири учун — япил, кўк, кизил рангларда, фон учун — оч пушти рангда босиб чикарилади.

Варакнинг чап кисмida четидан 10 мм чекинган холда эни 32 мм бўлган Ўзбекистон Республикаси Давлат байробги тасвирланган тасма жойлаштирилади. Тасманинг юкори кисмida диаметри 30 мм бўлган Давлат герби, паст кисмida эса — 35 мм ўлчами иккита квадрат кўшилишидан хосил бўлган саккиз киррали юлдуз, юлдузнинг ўртасида муҳр учун 25 мм диаметтри оқ айланা жойлашган.

Варакнинг колган кисмida юкорида лотин ёзуви билан давлат тилида «O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI» ва «Qayta tayyorlash haqida DIPLOM» сўзлари босилади. Диплом икки лотин ҳарфи — QT ва етти ракамли сондан иборат тартиб раками билан таъминланган. Барча матн накшли растрдан иборат оч пушти ранг фонда босиб чикарилади.

Диплом:

босиб чикаришнинг икки усули — оғсет ва юкори усули;
ёргулук воситасида нусха кўчиришни кийинлаштириш учун очик ранглар;
накшли растр;
хил рангли растрлардан фойдаланиш йўли билан турли рангларни ташкил этиш;
махсус когозлар;
ўзгарадиган ракамлардан иборат тартиб раками қўлланган холда олтита химояга эга.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби
O'zbekiston Respublikasi
Qayta tayyorlash haqida
DIPLOM QT № 0000000

(Tinglovchining familiyasi, ismi, otasining ismi)

20___ yil _____ dan

20___ yil _____
gacha

Тошкент давлат аграр университети хузурида “Агробизнес ва бошқарув” йўналишида агросаноат мажмуаси мутахассис ва раҳбар кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Марказида
(Qayta tayyorlash ta'lif muassasining nomi)

soatga mo'ljallangan

(Qayta tayyorlash kursining nomi)

qayta tayyorlash kursida ta'lif olib, _____ mavzusida bitiruvishini Davlat
attestatsiya komissiyasida _____ bahoga himoya qildi va qayta tayyorlash o'quv kursini muvaffaqiyatli tamomladi.

Muh o'mi

Davlat attestatsiya komissiyasi raisi

Ta'lif muassasasi rahbari

(imzo)

(F.I.O.)

Shahar _____

(imzo)

(F.I.O.)

Sana _____

Qayd raqami _____

Агросаноат мажмуи учун мутахассис ва раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга қўйиладиган давлат талабларига
2-илова

Тошкент давлат аграр университети хузурида “Агробизнес ва бошқарув” йўналишида агросаноат мажмуаси мутахассис ва раҳбар кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Марказида Раҳбар ва мутахассис кадрларнинг малака ошириш курсларини якунлагани хақида сертификат тавсифи

СЕРТИФИКАТ

Тошкент давлат аграр университети хузурида “Агробизнес ва бошқарув” йўналишида агросаноат мажмуаси мутахассис ва раҳбар кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Марказининг Малака ошириш курсларини якунлаганлиги тўғрисидаги сертификати А4 форматли оқ коғозда оғсет усулида беш хил рангдан фойдаланган ҳолда: матн учун — кора рангда, расмлар тасвири учун — яшил, кўк, кизил рангларда, фон учун — оч кул рангда босиб чиқарилади.

Варакнинг чап кисмida четидан 10 мм чекинган ҳолда эни 32 мм бўлган Ўзбекистон Республикаси Давлат байrogи тасвирланган тасма жойлаштирилади. Тасманинг юкори кисмida диаметри 30 мм бўлган давлат герби, паст кисмida эса — 35 мм. Улчамли иккита квадрат қўшилишидан хосил бўлган саккиз киррали юлдуз, юлдузнинг ўртасида муҳр учун 25 мм диаметрли оқ айлана жойлашган. Варакнинг колган кисмida юкорида лотин ёзуви билан давлат тилида «O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI» «Malaka oshirish haqida SERTIFIKAT» сўзлари босилади. Сертификат икки лотин ҳарфи — MO ва етти ракамли сондан иборат тартиб рақами билан таъминланган. Барча матн накшли растрдан иборат оч кул ранг фонда босиб чиқарилади.

Сертификат:

босиб чиқаришнинг икки усули — оғсет ва юкори усули;

ёруғлик воситасида нусха кўчиришин кийинлаштириш учун очик ранглар;

нақшли растр;

хар хил рангли растрлардан фойдаланиш йўли билан турли рангларни ташкил этиш;

маҳсус көғозлар;

ўзгарадиган ракамлардан иборат тартиб рақами қўлланган ҳолда олтига химояга эга.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби
O'zbekiston Respublikasi
Malaka oshirish haqida
SERTIFIKAT MO № 0000000

(Tinglovchining familiyasi, ismi, otasining ismi)

20 ____ yil _____ dan

20 ____ yil _____
gacha

Тошкент давлат аграр университети хузурида “Агробизнес ва бошқарув” йўналишида агросаноат мажмуаси мутахассис ва раҳбар кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Марказида
(Malaka oshirish ta'lim muassasining nomi)

jam'i _____ soatli _____ bo'yicha malakasini oshirdi.
(malaka oshirish kursining nomi)

Muhr o'mi
Ta'lim muassasasi rahbari

Shahar _____

(imzo)
Sana _____

(F.I.O.)
Qayd raqami _____

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “19” мартдаги 172 - сон қарорига
2-илова

**“Агробизнес ва бошқарув” йўналиши бўйича агросаноат мажмуи учун
раҳбар ва мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг
малакасини ошириш курсларига қабул қилиш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. “Агробизнес ва бошқарув” йўналиши бўйича агросаноат мажмуи учун раҳбар ва мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларига қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом (кейинги ўринларда Низом деб аталади) “Агробизнес ва бошқарув” йўналиши бўйича агросаноат мажмуи учун раҳбар ва мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказига (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) агросаноат мажмуи учун раҳбар ва мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш курсларига қабул қилиш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда куйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

tinglovchilar – агросаноат мажмуи таркибидаги вазирлик ва идоралар томонидан “Агробизнес ва бошқарув” йўналиши бўйича қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларига тавсия этилиб, танловдан муваффақиятли ўтган номзодлар;

агросаноат мажмуи учун раҳбар ва мутахассис кадрларни қайta тайёрлаш – халқаро тажрибалар, стандартлар ва талаблар асосида ишлаб чиқилган таълим дастурларига мувофиқ агросаноат мажмуининг раҳбар ва мутахассис кадрларида замонавий билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш курси;

агросаноат мажмуи учун раҳбар ва мутахассис кадрларнинг малакасини ошириш – халқаро тажрибалар, стандартлар ва талаблар асосида ишлаб чиқилган таълим дастурларига мувофиқ агросаноат мажмуи раҳбар ва мутахассис кадрларнинг малака ва кўникмаларини мунтазам равишда янгилаб бориш орқали касбий маҳоратининг ўсишини таъминлашдан иборат ўкув курси;

танлов комиссияси – танлов комиссияси таркиби агросаноат мажмуи таркибига кирувчи вазирлик ва идораларнинг тавсияси асосида университет ректори томонидан тасдиқланади.

3. “Агробизнес ва бошқарув” йўналиши бўйича агросаноат мажмуи учун раҳбар ва мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларида ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таълим олаётган тингловчиларнинг ўқиш даврида асосий иш жойи ва ойлик иш ҳақи миқдори сақланади.

2-боб. Агросаноат мажмуи учун раҳбар ва мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларига тингловчиларни қабул қилиш тартиби

4. Тошкент давлат аграр университети (кейинги ўринларда Университет деб аталади) хузуридаги “Агробизнес ва бошқарув” йўналиши бўйича агросаноат мажмуи учун раҳбар ва мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларига тингловчилар олий маълумотли ҳамда агросаноат мажмуининг соҳа ва тармоқларида камида икки йиллик меҳнат стажига эга бўлган ходимлар таркибидан тўлов-контракт асосида қабул қилинади.

5. Ўқув дастурларининг давомийлигидан келиб чиқсан ҳолда, “Агробизнес ва бошқарув” йўналишида агросаноат мажмуи учун раҳбар ва мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларига тингловчиларни қабул қилиш ва ўқитишни ташкил этиш Университетнинг илмий кенгаши қарори билан белгиланади ва тегишли ўқув или учун тингловчилар Университетнинг танлов комиссияси томонидан қабул қилинади.

Танлов комиссиясининг таркиби ва иш тартиби Университет ректори томонидан тасдиқланади.

6. “Агробизнес ва бошқарув” йўналиши бўйича агросаноат мажмуи учун раҳбар ва мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш манфаатдор вазирлик ва бошқа ташкилотлар (буортмачилар) билан тузилган тўғридан-тўғри шартномалар асосида амалга оширилади.

7. Манфаатдор вазирлик ва бошқа ташкилотларнинг тегишли ёзма мурожаатлари асосида “Агробизнес ва бошқарув” йўналиши бўйича агросаноат мажмуи учун раҳбар ва мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш дастурлари доирасида ўқиш учун тавсия этилган номзодлар Танлов комиссиясига куйидаги хужжатларни тақдим этади:

- ариза;
- олий маълумоти тўғрисида диплом нусхаси;
- иш жойидан тавсифнома;
- 3,5 x 4,5 ҳажмдаги фотосурат (6 дона);
- меҳнат дафтарчасидан нусха (электрон база орқали);
- паспорт нусхаси (аслини кўрсатган ҳолда).

8. “Агробизнес ва бошқарув” йўналиши бўйича агросаноат мажмуи учун раҳбар ва мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларига номзодлар Танлов комиссияси томонидан сухбат ўтказиш орқали танлаб олинади. Бунда номзодларнинг мутахассислиги бўйича назарий ва амалий билими, бошқарув кўнилмалари, мантиқий, таҳлилий ва креатив фикрлашга эга эканлигига, шунингдек, уларнинг етакчилик сифатларига алоҳида эътибор қаратилади.

“Агробизнес ва бошқарув” йўналиши бўйича агросаноат мажмуи учун раҳбар ва мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларига қабул қилиш бўйича “Замонавий менежмент, бошқарув психологияси ва етакчилик”, “Мутахассислик” ва “Амалий инглиз тили” фанларидан ўтказиладиган сұхбат тартиби ҳамда уларнинг натижаларини баҳолаш мезонлари Университетнинг илмий кенгаши томонидан тасдиқланади.

9. “Агробизнес ва бошқарув” йўналиши бўйича агросаноат мажмуи учун раҳбар ва мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларига номзодлар билан ўтказиладиган сұхбат натижалари 100 балли тизим бўйича баҳоланади. Бунда белгиланган максимал баллнинг 55 фоизидан юқори натижага эга бўлган номзодлар танловдан муваффақиятли ўтган ҳисобланади.

10. Танловдан муваффақиятли ўтган номзодлар Танлов комиссияси томонидан “Агробизнес ва бошқарув” йўналиши бўйича агросаноат мажмуи учун раҳбар ва мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларининг тингловчилари сафига тавсия қилинади ҳамда Университет ректорининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

3-боб. Якунловчи қоидалар

11. Марказ агросаноат мажмуи раҳбар ва мутахассис кадрларининг касбий билим ва қобилияtlарига қўйилаётган талабларни ҳисобга олган ҳолда, сайёр ўқув-амалий семинарларни ташкил этади;

tinglovchilarda ish faoliyatini режалаштириш ва ish режалари (“йўл харита”)ни сифатли бажариш бўйича кўникмаларни шакllantiriш учун доимий равишда интерфаол машғулотлар ва маҳорат дарсларини ўtkazadi;

tinglovchilarda маҳаллий бошқарув ва худудларнинг ижтимоий-иктисодий ривожлантириш дастурларини самарали амалга ошириш ҳамда норматив-хуқуқий хужжатларни сифатли бажариш бўйича кўникмаларни шакllantiriради;

“Агробизнес ва бошқарув” йўналиши бўйича агросаноат мажмуи учун раҳбар ва мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларини ташкил этиш ҳамда даврий равишда ўқув-амалий семинарларни ўtkaziш жараёнида аникланган муаммо ва таклифлар бўйича ахборот-таҳлилий материалларни тайёрлайди.

12. Мазкур Низом талабларини бузганликда айбдор шахслар қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “19” марта 172 - сон қарорига
3-илова

**“Агробизнес ва бошқарув” йўналиши бўйича агросаноат мажмуи учун
раҳбар ва мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг
малакасини ошириш курсларига номзодларни тавсия этадиган
вазирлик ва идоралар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
2. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси
3. Ўзбекистон Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси
6. “Ўзбекозиқовқатхолдинг” холдинг компанияси
7. “Ўздонмаҳсулот” акциядорлик компанияси
8. “Ўзагротехсаноатхолдинг” акциядорлик жамияти
9. “Ўзагросервис” акциядорлик жамияти
10. “Ўзагролизинг” акциядорлик жамияти
11. “Ўзагроэкспорт” акциядорлик жамияти
12. “Ўзагросуғурта” акциядорлик жамияти
13. “Ўзбекозиқовқатзахира” уюшмаси
14. “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси
15. “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмаси
16. “Паррандасаноат” уюшмаси
17. “Ўзбекистон асаларичилари” уюшмаси
18. “Ёнғоқ ишлаб чиқарувчилар ва экспорт қилувчилар” уюшмаси
19. “Цитрус, субтропик ва тропик ўсимлик етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар” уюшмаси
20. “Картошка етиштирувчилар” уюшмаси
21. Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши

